

САМАРҚАНД САММИТИ ВА ТУРК ДАВЛАТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Сағдуллаев Иззатилла Ғайратилла ўғли

мустақил изланувчи

Аннотация *Мазкур мақолада 2022 йил Самарқандда бўлиб ўтган Туркий Давлатлар Ташкилотининг Тўққизинчи саммити натижалари таҳлил қилинади. Саммит доирасида қабул қилинган қарорлар, илгари сурилган иқтисодий, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларига оид ташаббуслар ТДТнинг минтақавий ва глобал аҳамиятини оширишдаги роли нуқтаи назаридан ўрганилади. Турк дунёси интеграциясининг янги босқичга кўтарилаётгани илмий-аналитик жиҳатдан асослаб берилади.*

Таянч сўз ва иборалар: *Туркий Давлатлар Ташкилоти; Самарқанд саммити; интеграция; Транс-Каспий йўлаги; иқтисодий ҳамкорлик.*

THE SAMARKAND SUMMIT AND A NEW STAGE OF INTEGRATION FOR TURKIC STATES

Abstract *This article analyzes the outcomes of the 9th Summit of the Organization of Turkic States held in Samarkand in 2022. The study examines key decisions and initiatives in economic integration, transport corridors, food security, and educational cooperation. Particular attention is paid to the growing regional and global role of the Organization of Turkic States amid geopolitical instability. The article argues that the Samarkand Summit marked a new stage in Turkic integration based on shared values and pragmatic cooperation.*

Keywords: *Organization of Turkic States; Samarkand Summit; integration; Trans-Caspian Corridor; economic cooperation.*

Кириш. XXI аср халқаро муносабатлар тизимида минтақавий ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти изчил равишда ошиб бормоқда. Глобал беқарорлик, геосиёсий рақобат, транспорт-логистика занжирларининг узилиши, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар шароитида интеграцияга асосланган ҳамкорлик моделлари стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ) фаолияти сўнгги йилларда фақат минтақавий эмас, балки глобал сиёсий-иқтисодий жараёнлар доирасида ҳам диққат марказига чиқмоқда.

2022 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистоннинг қадимий ва тарихий шаҳри Самарқандда бўлиб ўтган Туркий Давлатлар Ташкилотининг Тўққизинчи саммити айнан шу жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди. «Умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзусида ўтказилган ушбу саммит Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтиб, Турк дунёси интеграциясининг янги

сифат босқичига ўтаётганини кўрсатди. Саммит доирасида қабул қилинган қарорлар, илгари сурилган ташаббуслар ҳамда етакчиларнинг сиёсий баёнотлари ТДТнинг тинчликпарвар, очик ва конструктив халқаро актор сифатида шаклланаётганини яққол намоён этди.

2022 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри Самарқандда Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ)нинг Тўққизинчи Давлат раҳбарлари саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ташкил этилган мазкур саммит «Умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзусига бағишланди. Саммитда қабул қилинган қарорлар ва етакчиларнинг сиёсий баёнотлари ТДТнинг институционал ривожланиши, интеграция жараёнларининг чуқурлашуви ҳамда минтақавий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш нуктаи назаридан алоҳида аҳамият касб этди.

Турк давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик умумий маданий мерос, муштарак кадриятлар, тамойиллар ва манфаатларга таянади. Айнан шу умумийликлар ТДТни жиҳслаштирувчи асосий омил сифатида намоён бўлиб, ташкилот доирасидаги ҳамкорликни стратегик даражага олиб чиқмоқда. Саммитда қабул қилинган қарорлар ТДТнинг беқарорлик билан боғлиқ муаммолар тилга олинадиган минтақада тинчликни таъминловчи, барқарорликка хизмат қилувчи актор эканини яна бир бор тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Янги иқтисодий имкониятлар минтақаси» концепцияси ТДТ доирасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган муҳим ташаббус сифатида баҳоланади. Ушбу ёндашув «ютқазмасдан ютиш» тамойилига асосланган бўлиб, давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришни назарда тутди. Шу билан бирга, Президент Транс-Каспий халқаро транспорт йўлагини фаоллаштириш зарурлигини таъкидлаб, ТДТнинг фақат минтақавий эмас, балки глобал логистика тизимида ҳам муҳим ўрин эгаллаётганини кўрсатди. Россия–Украина уруши натижасида Шимолий коридорнинг чекланиши шароитида Ўрта транспорт коридорининг аҳамияти янада ортмоқда.

Саммит доирасида глобал озик-овқат инқирози масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шавкат Мирзиёев «Турк қишлоқ хўжалиги форуми» фаолиятини кучайтириш, шунингдек, БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) билан ҳамкорликни кенгайтириш таклифини илгари сурди. Бу ташаббус ТДТнинг глобал муаммоларни ҳал этишда конструктив позиция эгаллаётганини кўрсатади.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Турк дунёси 200 миллиондан ортиқ аҳолини қамраб олган улкан геосиёсий макон эканини таъкидлаб, ташкилотнинг иқтисодий, энергетик ва транспорт салоҳиятига эътибор қаратди. У, шунингдек, ТДТнинг маънавий худуди аъзо давлатлар чегараларидан анча кенг эканини таъкидлаб, турк диаспораларининг ҳуқуқлари ва миллий ўзлигини сақлаш масаласини кун тартибига олиб чиқди.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тўқаев интеграциянинг маданий ва таълим соҳасидаги ўлчамини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, Турк давлатларининг

бирлашган университетлар тармоғини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Қирғизистон Президенти Садир Жапаров эса Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўл лойиҳасини стратегик аҳамиятга эга деб баҳолаб, савдо ва таъминот занжирларини диверсификация қилиш зарурлигини қайд этди.

Туркия Президенти Ражаб Таййиб Эрдоған нутқида Турк дунёси тинчликпарвар ролини алоҳида таъкидлаб, иқтисодий интеграцияни кучайтириш учун Умумий инвестиция жамғармасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Самарқанд декларацияси доирасида ушбу таклиф қабул қилиниб, иқтисодий ҳамкорликни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос яратилди.

ХУЛОСА

Самарқанд саммити Турк давлатлари интеграциясида сифат жиҳатдан янги босқич бошланганини кўрсатди. Қабул қилинган қарорлар ТДТни тинчликпарвар, очиқ ва ҳамкорликка асосланган халқаро актор сифатида мустаҳкамлади. Иқтисодий, транспорт, гуманитар ва маданий соҳаларда илгари сурилган ташаббуслар ташкилотнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиш салоҳиятига эга эканини тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. - 464 б.
2. Başaran, D. Türk Devletleri Teşkilatı Semerkant Zirvesi: Güçlü ve Bütünleşmiş Türk Dünyası'na Doğru [Elektron manba] / D. Başaran. — 12.11.2022. — Erişim modu: <https://www.ankasam.org/anka-analizler/turk-devletleri-teskilati-semerkant-zirvesi-guclu-ve-butunlesmis-turk-dunyasina-dogru/>
3. Organization of Turkic States. Samarkand Declaration. — Samarkand, 2022.
4. Алиев И.Г. Турк дунёси: ҳамкорлик ва тараққиёт истикболлари. — Боку: Азернешр, 2021.
5. Tokayev K.J. Turkic Integration in the 21st Century. — Astana: KazISS, 2022.